Халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши

ҚАРОР

2018 йил "01" март **25-92-сон** **Сайхун ш.**

Сайхунобод туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий истиқболли кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6,24-моддаларига биноан Халқ депутатлари туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сайхунобод туман маҳаллий бюджетининг 2018 йилга асосий истиқболли кўрсаткичлари 1,2,3,4 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги, молия бўлими, ғазначилик бўлинмаси ва тижорат банклари асосий эътиборни, биринчи даражали харажатлар - иш хақи, ижтимоий нафақа ва стипендияларни тўлик молиялаштирилишига ва ўз вақтида тўланишига қаратиб, ушбу масалаларга туман Кенгаши депутатлари, жамоатчиликни кенг жалб этишни таъминласинлар. Бунинг учун жойлардаги раҳбарларнинг шаҳсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

3. 2018 йил бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари етакчи ўринни эгаллаб, ушбу соҳаларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилсин.

4. Туман молия бўлими (З.Сайитбеков), туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Б.Бозоров) бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтирсин.

6. Туман ҳокимлиги (З.Узоқов)га манзилли дастурлар асосида ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш юзасидан махсус ишчи гуруҳ тузиш, нархларни асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик бўйича қатъий чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари З.Узоқов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Туман Кенгашининг маҳаллий бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ва масалалари бўйича доимий комиссиясига юклатилсин.

9. Мазкур қарор расмий нашрда элон қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради

Сессия раиси **Х.Ш.Маматқулов**